• *Сурур*

# «МЕН ТАЪЗИМ ЭТАМАН ОНА ХАЛҚИМГА!»

***Мана, ўттиз йилдан ошибдики, Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» шеъри тилимиздан тушмай келади. Яқинда Анор Назаров унга куй басталаб, ниҳоятда гўзал қўшиқ қилди. Деярли ҳар куни ё куйи, ё ўзи янграб турадиган бу қўшиқдаги бир сатрни қайта-қайта такрорлаб юраман: «Мен таъзим этаман она халқимга!»***

Бунинг сабаби кўп.

Маҳалламиздан катта кўчага чиқадиган жойда аёллар мева-чева сотиб ўтиради. Бир куни одатдагидай ишга кетаётсам, орқамдан аёл кишининг салом бергани эшитилди. Ўгирилиб қарадим. Ўша аёллардан бири — ёшгина жувон.

— Қишлоқда Эркин Воҳидовнинг олтмиш йиллик юбилейини қилмоқчимиз. У кишининг манзилини айтиб беролмайсизми? — Кейин маълум бўлдики, у қибрайлик экан.

— Айтиб бероламан, — дедим. — Лекин у кишининг уйларини қидириб овора бўлиб юрасизлар-ми! У киши Олий Мажлисда қўмита раиси...

— Биламан, — деди жувон гапимни бўлиб.

— Яхшиси, ишхонасининг телефонини билиб бераман, эртага ҳам шу ерда бўлсангиз, ташлаб ўтиб кетаман, — дедим.

— Мен бўлмасам бошқаларга ташлаб кетаверинг, — деди у. Хайрлашдик. Оддий қишлоқ аёлларининг Эркин Воҳидовнинг юбилейини ўтказиш ниятининг ўзи кўнглимни шу қадар кўтариб юбордики... кетяпману ўша сатрни такрорлайман:

«Мен таъзим этаман она халқимга»!

Эртасига Эркин аканинг телефонини бериб кетай десам, ҳақиқатан ҳам у жувон йўқ экан. Бошқаларига мурожаат қилган эдим:

— Ҳа-ҳа, бизга бериб кетаверинг, — дейишди.

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен ўша аёллар сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Ўтган ёзда бир куни ишдан қайтиб борсам, уйда иккита бегона аёл ўтирибди. Хотиним тушунтириб берди. Маҳалламизнинг ёнида олий ҳарбий билим юрти бор. Ўша аёлларнинг ўғиллари шу билим юртига ўқишга кираётган экан. Имтиҳон натижасини кутиб толиққан оналарни тасодифан учратиб қолган хотиним уларни уйга бошлаб келган экан. Ҳар куни эрталаб кўчамиздан гурас-гурас одам — ёш йигитлар, ота-оналар ўтарди. Улар бу ерда нима қилиб юрибди экан, деб ўйлардим. Уларнинг ҳаммаси шу билим юртига кираётганлар эканини энди билдим.

Аёллар бир-икки кун, ўғилларининг ўқишга кирган-кирмагани аниқ бўлгунига қадар бизникида турди. Талабгор жуда кўп, танлов катта экан. Бу ҳол энтиктириб юборди мени. Йигитларимиз республикамизнинг олис-олис бурчакларидан ҳарбий таҳсил олиш учун келаётгани — мустақиллик шууримиздан тобора мустаҳкам жой олаётганининг далолати эмасми, ахир?!

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен ана шу йигитлар, уларнинг ота-оналари сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Гоҳо ҳамма, айниқса болалар ўзини пул топишга уриб кетди, деган хавотирли гапларни эшитиб қоламиз. Бу хавотирда ҳам жон бор, албатта. Бироқ, атрофга некбинлик билан қараган киши бошқа манзарани ҳам кўради.

1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинган эди.

Бобомизнинг тўйи йил бўйи давом этди. Кузда бобомиз номидаги театрда катта тантана бўлди. Бир талаба йигитнинг таклифномаси йўқ экан. Одам кўп, жой чекланган бўлгани учун ҳеч ким таклифномасиз қўйилмаяпти. Талаба йигитнинг кечада иштирок этиш иштиёқи шу қадар кучли эканки, ичкарига киришнинг ҳар хил йўлларини қилиб кўрди. Охир-оқибатда дарбон унинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Бу ҳолни кузатиб турарканман, ноиложлигим, талабага ёрдам беролмаслигимдан ачиндим, бироқ ўша йигитга ниҳоятда ҳавасим келди. Навоий бобо деб калтак ейишнинг ўзи ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган олий бахт эди!

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен ўша, Навоий бобо деб калтак еган талаба сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Ҳар куни ишга келаётиб, Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ёнидан ўтаман. Маълумки, яқинда барча ўқув юртларига кириш имтиҳонлари бўлди. Билим юрти ёнидан ўтаётганимда, фарзандларининг имтиҳон топшириб чиқишини кутиб ўтирган ота-оналар, кейин ҳаяжон билан имтиҳон натижаларини кутаётган ўғил-қизларга дуч келаман. Уларни кўриб ҳам кўнглим тоғдай кўтарилади! Демак, фарзандларимиз фақат пулнинг кетидан қувиб юргани йўқ экан!

Биргина Тошкентнинг ўзида санъат институти, консерватория, маданият институти, рассомлик билим юрти, маданият техникуми, бир неча мусиқа мактаби ҳамда билим юртлари мавжуд. Университетнинг филология, журналистика, фалсафа факультетлари, педагогика институти, шарқшунослик институти, вилоятлардаги университетларнинг гуманитар факультетларини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Мана шу билим даргоҳларига кирувчиларнинг сон-саноғи йўқ, танлов ниҳоятда катта. Демак, қоринингина эмас, қадрни ҳам ўйлайдиган фарзандларимиз ҳам кўп экан!

Гоҳо замон ўзгариб, маънавий эҳтиёж йўқолиб боряпти, деб ташвишга тушамиз. Бу ташвиш ҳам асоссиз эмас, албатта. Бироқ, яна атрофга некбинлик билан қарайдиган бўлсак, шуни кўрамизки, тиш берган худо ризқ ҳам беради, деб ўйлаб, борига шукур қилган ҳолда маънавий оламда яшаётганлар ҳам ниҳоятда кўп. Фанлар академияси, унинг институтлари, мактаблар, олий ўқув юртларида хизмат қилаётган зиёлиларимиз озмунчами? Туғилган жойига борса, тузуккина мансаб эгаллаши, бинобарин, қийналмай яшаши мумкин бўлгани ҳолда, Тошкентда ижара уйларда туриб, шеър ёзиб юрган укаларимиз-чи?

Шуларни ўйласам, энтикиб кетаман. Яна Абдулла Ориповнинг сатрини такрорлайман:

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен ана шу, маънавий оламимиз, маънавий бойлигимиз бўлган фидойи инсонлар сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Юртимизда нима кўп — бозор кўп. Яқинда уларнинг ҳаммаси ўзгача кўрк касб этгани тўғрисида гапириб ўтирмай, эътиборингизни бошқа нарсага жалб қилмоқчиман: бу бозорларнинг барчаси маҳсулот билан тўла! Маҳсулотга яраша харидор ҳам кўп. Шунинг учун бу бозорларда юриш ҳам қийин. Бу нимадан дарак беради? Она заминимизнинг саҳийлиги-ю, она халқимизнинг меҳнаткашлигидан!

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен мард, бағри кенг бободеҳқоним сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Мустақилликнинг беш йили мобайнида биргина Тошкентнинг ўзида содир бўлган ўзгаришлар шўро замонидаги етмиш йиллик даврда амалга оширилган ишлардан кўп ва салмоқли. Кейинги икки йил ичида Тошкентимиз танимай қоладиган даражада ўзгариб кетди! Қурилиш ва ободончилик ишларининг суръатига ақл бовар қилмайди! Мустақиллик туфайли халқи бағрига, юртига қайтиб келган буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг қудратидан воқиф бўламан деган кишилар мамлакатимизда бунёд этилаётган иншоотларни келиб кўрсин!

Шўролар чангалидан озод бўлган бошқа мустақил давлатларнинг кўпчилигида ҳали аҳолининг энг зарур эҳтиёжлари қондирилмай турган бўлса, Ўзбекистон ғалла ва нефть мустақиллигига эришди! Кўпгина мамлакатларда катта ва кичик урушлар, низолар, умуман, нотинчлик одатдаги турмуш тарзига айланиб қолган бўлса, Ўзбекистонда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ҳукмрон. Ана шу туфайли ҳам Ўзбекистон жаҳон майдонига тез ва дадиллик билан чиқди. Ана шу туфайли ҳам жаҳон Ўзбекистонга тез ва дадиллик билан кириб келди.

Ҳар қандай инсофли одам биладики, бу ютуқларнинг барчаси, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида ўз ўрни ва қиёфасига эга бўлиши, бинобарин, ҳар қандай давлат билан теппа-тенг, бақамти туриб муомала қила олиши бир киши — ўзбек халқининг бугунги кундаги биринчи фарзанди, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи фуқароси бўлмиш юртбошимизнинг номи билан боғлиқ. Худо ҳар бир кишига феъли ва ниятига яраша берганидек, ҳар бир халққа ҳам ўзига муносиб етакчи беради.

«Мен таъзим этаман она халқимга!»

Ҳа, мен халқи учун кеча-ю, кундуз тиним билмай жон куйдираётган, жаҳоннинг энг нуфузли минбарларидан туриб Ўзбекистон номидан мардона гапираётган, бинобарин, юртимизни жаҳонга танитаётган юртбошимиз сиймосида она халқимга таъзим қиламан!

Она халқимга таъзим этаманда, уни «беш яшар отаси»нинг (Абдулла Орипов) муборак ва муқаддас тўйи билан муборакбод этаман!

Сен омон бўл, она халқим!

Мен сенга таъзим этиш шарафидан баҳраманд бўлаверай!

**Машраб БОБОЕВ.**
**(ЎзА).**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар» ва «Ўздавматбуотқўм» томонидан ташкил этилган «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танловларининг 1996 йилги турлари якунланди.***

***Бу йилги кўрик-танловлар мустақиллигимизнинг қутлуғ беш йиллик тўйига бағишлаб ўтказилди. Маълумки, бу танловлардан мақсад истиқлол, миллий мустақиллик, озодлик ғояларини куйловчи, Ватан ва халққа муҳаббат, имон-эътиқод, ҳалоллик ва тўғрилик каби эзгу ишларни улуғловчи янги ва яхши асарларни танлаб, уларни кенг халқ оммасига етказишдир.***

Танловга келган қўлёзмаларни ўрганиш, баҳолаш жараёнида худди шу талаблар асосида иш кўрилди. «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танловида наср бўйича Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назирнинг ҳикоялар тўплами ва Саид Анварнинг қиссаси, шеърият бўйича шоир Илҳом Ражабовнинг «Қутлуғ сафар», А. Файнбергнинг «Сборник стихов» тўпламлари, публицистика бўйича Ҳаким Сатторийнинг соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги «Амир Темур севган юрт», М. Ҳасаний ва И. Усмоновнинг «Ойдин кунлар армони», адабий-тарихий мерос бўйича таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг «Ўчмас излар» хотира қиссаси ғолиб деб топилди. Бу асарларнинг жанри ҳам, ёзилиш услублари ҳам, мавзулари ҳам хилма-хил. Бироқ уларнинг барчаси учун муштарак бўлган жиҳатлар бор: улар танлов шартида айтилганидек, истиқлол ғояларини, Ватан ва халққа муҳаббатни куйловчи, бадиий пишиқ ва янги асарлардир.

«Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танловига ўттиздан зиёд қўлёзма келди. Улар ҳайъат аъзолари ва четдан жалб этилган тақризчилар томонидан жиддий кўриб чиқилди.

Кўрик-танловда ижодкорлардан Ҳамиджон Ҳамидовнинг «Аждодлар сабоғи-ақл қайроғи», Абдураззоқ Қўшшаевнинг «Қушларга айтилган туш», Музаффар Аҳмаднинг «Икки дўст достони», Турсунбой Адашбоевнинг «Топишмоқли алифбе», Раҳматулло Баракаевнинг «Онажоним, шеърият» Эргаш Очиловнинг «Маърифат чашмалари». Бобоқул Тошевнинг «Олтин бешик» ва Пўлат Эрматнинг «Қуёш нега жилмайди» тўпламлари энг яхши деб топилди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, кўрик-танлов муносабати билан кўплаб янги ва яхши асарлар кашф этилди. Бу асарлар болаларимизни она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашга, уларда ҳалоллик, тўғрилик, ростгўйлик каби фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади.

*Мурувват ва зиёни*
*сезибди қалбинг,*
*Нурга талпинасан,*
*нурга чопасан.*
*Қийқир, бахтли*
*замон бағри бутуним,*
*Ойдин йўлларингни*
*ўзинг топасан.*

# СОВРИНДОРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

***Тошкент давлат автомобил йўллари институтининг бир гуруҳ аспирантлари «УАЗ-459» маркали автомашинани бутунлай такомиллаштиришди. Ж. Исматов, И. Лебедев ва В. Остроглазовнинг бу борадаги ишланмаси республикамиздаги мазкур автомобилдан фойдаланаётган ишлаб чиқариш ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Ишланмани жорий этиш натижасида ёнилғи тежалиб, машинадан фойдаланиш ҳар томонлама қулай бўлади ҳамда унинг ташқи кўриниши ҳам замонавий тус олади.***

Ёш олимлар ўз лойиҳалари билан Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармасининг Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб эълон қилган, ҳар икки йилда ўтказиладиган «Истеъдодларни излаймиз» республика танловининг биринчи мукофотини қўлга киритишди. Байрам арафасида Тошкентда ғолибларни тантанали мукофотлаш маросими бўлди.

Танлов маданият, тиббиёт, техника, иқтисод ва молия, математика ва физика каби ўн йўналишда ижодий, илмий ва ихтирочилик фаолияти бўйича ўтказилди. Унда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан минглаб мактаб ўқувчилари, талабалар, ёш олимлар ва мутахассислар иштирок этди. Иштирокчилар танловга тақдим қилган лойиҳаларни ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида тузилган нуфузли ҳайъат синчиклаб текширувдан ўтказди.

Танлов якунига кўра, биринчи мукофотга сазовор бўлган ўн нафар ғолиб аниқланди. Ўнта иккинчи ва ўнта учинчи мукофот ҳам берилди. Яна кўпгина қизиқарли лойиҳалар Мирзо Улуғбек номидаги жамғарма фахрий ёрлиқларига сазовор бўлди.

Мукофотлаш маросимида танлов ғолибларини таниқли олимлар, маданият арбоблари табриклашди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ЖАМҒАРМА

***Пахтакор туманида жамоатчилик асосида ишловчи «Ижодкор» жамғармаси очилди. Унга милиция майори, шоир Туроб Юсуф раҳбарлик қилмоқда. Қисқа муддат ичида жамғарма чўлқувар ижодкорлар бошини қовуштириб, уларнинг китобларини чоп эттиришга эришди.***

Вилоят ва республика нашриётларида маҳаллий ижодкорлардан Ўктам Олим, Ғайбулла Бўронийларнинг учтадан китоби чиқди. Жамғарма, шунингдек, мамлакатнинг таниқли ёзувчилари, адабиётшунослари билан мулоқотлар уюштираяпти. Бу республика адабий муҳитида катта воқеадир.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Халқ мулки*

# ҚАЙТАРИЛГАН БОЙЛИКЛАР

***Ўзбекистон давлат санъат музейида республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ноёб заргарлик буюмлари, гиламлар, кашталар, черков буюмлари, санамлар (икона) кўргазмаси очилди.***

Кўргазма «Қайтарилган бойликлар» деб номланди. Чунки, кўргазмадан республика божхона хизмати ва Маданият ишлари вазирлигининг асарларни экспертиза қилиш бўлими музейга қайтариб берган Марказий Осиё ва Европа халқлари амалий санъатининг қадимий буюмлари жой олган. Мазкур буюмлар Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиб кетилаётганида ушлаб қолинган ва халқ мулки сифатида баҳоланган.

Кўргазманинг очилишида маданият арбоблари, руҳонийлар, республикамиз жамоатчилиги вакиллари, Тошкентда фаолият кўрсатаётган хорижлик дипломатлар иштирок этди.

— Кўргазмада беш юздан ортиқ ғаройиб осори-атиқа намойиш этилмоқда, — дейди музей директори Дамир Рўзибоев. — Булар божхона хизмати томонидан музейга берилган буюмларнинг бир қисми, холос. 1991 йилнинг ўзидаёқ Маданият ишлари вазирлиги жамғармасига икки мингдан ортиқ осори-атиқа қайтариб берилган эди. Биз республика Давлат солиқ қўмитасининг бош божхона бошқармаси ходимларига самимий миннатдорчилик билдирамиз. Уларнинг фидокорона хизмати туфайли Ўзбекистон музейлари ноёб буюмлар билан бойиди. Улар бадиий санъат асари сифатидагина эмас, балки халқ санъати юксак маънавиятининг ашёвий далили сифатида ҳам бениҳоя қимматлидир. Биз келажаги буюк давлат қурмоқдамиз. Маданиятни ривожлантириш, ўз халқи ва ер юзида яшаётган барча халқларнинг ижодиёти ҳамда кўп асрлик тарихига ҳурмат билан муносабатда бўлиш — унинг муҳим тамал тошларидан бири ҳисобланади.

**(ЎзА).**



# ҲАМКОРЛИК — ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИ

***Ўзбекистонда «Марказий Осиё холдинг» компанияси иш бошлади. У мамлакатимизда темир йўл транспортини янада ривожлантириш учун бу соҳани зарур жиҳозлар билан мунтазам таъминлаб туриш мақсадида ташкил этилган.***

Тошкентда янги холдинг компанияни таништириш маросими бўлди. Компания «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик жамияти ва Россиянинг «Промрадтехбанк», «Муромский стрелочной завод», «Ручей» акциядорлик жамиятлари, «Металлопласт» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида тузилган. Бу бирлашмани тузишдан мақсад — мамлакатимизда товар экспорт-импортнинг тобора ошиб бораётгани ва давлатимизнинг муҳим жўғрофий ўрнини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон йўлларида юк ташиш ҳажмини оширишга кўмак беришдан иборат.

# ҲАММАСИ ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАЯПТИ

Бир пайтлар қатағон қилинган она тилимиз ва динимизнинг, Нақшбандий, Ғиждувоний, Ат-Термизий, Бухорий, Аҳмад Яссавий каби азиз-авлиёларимизнинг юзага чиқиши, халқимиз тарихи ва маданиятига оид нодир асарларнинг чоп этилиши истиқлол туфайлидир. Уларнинг мақбаралари узоқ-яқиндан келган одамлар учун покиза ва муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Шаҳримиз марказида қурилаётган Амир Темур музейи биноси эса ўзбекнинг ор-номуси, шон-шарафи, бир сўз билан айтганда ўзлиги бўлиб қад ростлади. Бинонинг гир айланасидаги кўркам пешайвонда соҳибқирон номи билан аталадиган рўпарадаги ҳиёбонга термулиб турган Бибихонимни кўраман. Амир Темурнинг от миниб турган ҳайкалига кўзим тушади. Қулоғим остида от дупури эшитилади. Борлиғим кўзга, ажабтовур хайратга айланиб қолади:

*Ягона салтанатда*
*ягона шер эдингиз,*
*Оллоҳ назари тушган*
*енгилмас эр эдингиз,*
*Юксак осмон остида*
*муқаддас ер эдингиз,*
*Манглайи қаро бўлсин*
*сизни қонхўр деганнинг.*
*Саждалар айлагайман,*
*сизга жаннатмаконим,*
*Гўрингиз нурга тўлсин*
*ой давлати арконим*
*У дунёю, бу дунё*
*қўллагувчи имоним,*
*Манглайи қаро бўлсин*
*сизни қонхўр деганнинг.*

Троллейбуснинг ўрнидан жилишини бесира-сира истамайман. Бир зум йўловчиларга назар ташлайман, юз-кўзлардаги шукроналик кайфиятимни кўтаради. Беихтиёр соҳибқирон ҳақида кичкина бир рисола ёзиб қўйиб сўнгги нафасигача, таъқибларга балогардон бўлиб яшаган фидойи файласуф олим Иброҳим Мўминовни хотирлайман. Бугун эса бутун бир йил (1996 йил) Амир Темур йили деб эълон қилинди. Бу бизнинг ўзбекона тафаккуримиз шаклланаётганидан нишонадир.

Хуллас, мустақилликнинг бешинчи йили иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар йили бўлди. Жамиятнинг қиёфаси ва одамлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Фуқароларда истиқлолни мустаҳкамлашга бор кучларини бағишлаш руҳи кучайди. Бугун юртимизда, дилимизда истиқлол шодиёнаси кезиб юрибди. Унинг ўхшаши ва такрори бўлмагай.

**Г. ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА

***«Жиззахгўшт» ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги гўшт комбинатида польшалик ишбилармонлар билан тузилган шартнома асосида янги технология ишга туширилди.***

У мустақиллик байрами арафасида шаҳар аҳолиси дастурхонига йигирма икки хил колбаса тортиқ қилади.

Польшалик ва жиззахлик ёш мутахассислар ҳамкорлигида вужудга келган бу цехда яқин вақт ичида яна ўн турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш режаси тайёрланди.

**Н. ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Profil Enterprise»*

***Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси жамоаси бутун Ўзбекистон халқини мамлакат мустақиллигининг беш йиллик тўйи билан самимий муборакбодлашдан ўз мамнунлигини изҳор этади.***

***Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаб қоламиз.***



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — А. Абдураҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0444 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.** **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.** **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.** **Босишга топширилди** — 1.02 1 2 3 4 5 6